



Муаллиф: Холид инб Абдураҳмон ад-Дарвиш

Таржимон: Абу Абдураҳмон

Оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамду санолар, пайғамбарлар ва элчиларнинг энг шарафлиси саййидимиз Муҳаммадга, у зотнинг оиласи ва асҳобларига салавот ва саломлар бўлсин!

Бу рисола Рамазон ойига соғ-саломат етиб келган мусулмон киши Аллоҳга ибодат қилишда Рамазон ойдан унумли фойдаланиши учун йўлланган.

«Рамазон ойини кутиб олиш учун 10 насиҳат» деб номланган рисоламиз мусулмон киши бу муборак ойда ибодатни қандай кўпайтириш услублари ва шу борадаги ийманий ишоралар баёнидир. Аллоҳдан тўғри йўлга йўллашини ҳамда бу ишимни Аллоҳнинг улўғ юзи учун бўлишини сўрайман.



Рамазонни қандай кутиб оламиз?

Ҳар нарсанинг мавсуми бўлгани каби ибодатларнинг ҳам мавсумлари бор. Рамазон ибодат мавсумларининг энг каттасидир. Муслмон киши ибодат мавсумларини ғанимат билмоғи, бепарволик қилмасдан ундан унумли фойдаланмоғи, вақтларини жадвалга солиб, ибодатларнинг турлари ва миқдорларини кўпайтиришда тиришмоғи ва бошқалар билан бу соҳада беллашмоғи лозим. Аллоҳ таоло айтади: «**Бас, беллашувчи кишилар** (мана шундай мангу неъматга етиш йўлида) **мусобақалашсинлар**» (Мутаффифун сураси, 26-оят).

Муслмон биродарим! Рамазонни қуйидаги насиҳатлар асосида кутиб олишга ҳаракат қилинг:

Биринчи насиҳат: Рамазон ойига соғ-саломат етиб олишни Аллоҳдан ёлвориб сўранг. Чунки саломат киши рўза, намоз, дуо ва бошқа ибодатларни кўпроқ қилиш имконига эга бўлади.

Салафи солиҳлар Рамазондан олдин «Бизни Рамазонга етказ» деб дуо қилишар, Рамазондан кейин эса «Биздан ибодатларимизни қабул эт», деб дуо қилишарди.

Рамазон ҳилолини кўрганингизда ушбу дуони қилинг: «Аллоҳу акбар, Аллоҳумма аҳиллаҳу алайна бил-амни вал-иймани вас-саламати вал-ислам, ват-тавриқи лима туҳиббу ва тардо, Роббий ва Роббукаллоҳ». Маъноси: «Аллоҳу акбар! Эй Аллоҳим! Бу ойни бизга омонлик, иймон, саломатлик, ислом ва Ўзинг яхши кўрадиган, рози бўладиган (ишга) нарсага муяссар этиш билан чиқаргин. (Эй Ой,) Бизнинг ҳам, сенинг ҳам Парвардигоринг Аллоҳдир!» (Термизий ва Доримий ривоят қилганлар, Ибн Ҳиббон саҳиҳ деган).



Иккинчи насиҳат: Муборак Рамазон ойига етиб олганингизга Аллоҳга ҳамду санолар айтинг.

Имом Нававий ўзининг «ал-Азкор» китобида: “Кимга очиқ бир неъмат янгиланса-насиб қилса, ёки очиқ бир бало ундан даф бўлса, у Аллоҳ таолога шукр қилиб сажда қилиши, ёки Аллоҳга лойиқ бўлган ҳамду санолар айтиши мустаҳабдир”, деганлар. Банданинг тоат-ибодат қилишга муваффақ бўлиши Аллоҳ бандага берган энг буюк неъматлардан бири бўлса, унинг Рамазонга соғ-саломат кириб келиши буни унга ато қилган Аллоҳга ҳамду сано айтишни тақозо қиладиган яна бир неъматдир.

Аллоҳ таолога кўпдан-кўп ҳамду санолар бўлсин!

Учинчи насиҳат: Рамазон кириши муносабати билан хурсандчилик ва шод-хуррамликни изҳор қилинг.

Расулуллоҳ саллоллаҳу алайҳи ва саллам саҳобаларни муборак Рамазон ойи кириб келиши билан қутлаганликлари саҳиҳ ҳадисларда келган. У зот бундай деганлар: *«Рамазон ойи кирди. Рамазон ойи муборак ой, унда рўза тутишни Аллоҳ сизларга фарз қилди, бу ойда жаннатлар дарвозалари очилади ва дўзахлар эшиклари беркитилади»*. Имом Аҳмад ривоят қилган.

Саҳоба ва тобеинлар бу ойга қаттиқ аҳамият берар, унинг кириши билан хурсанд бўлардилар. Яхшиликлари кўп ва раҳматлар ёғиладиган мавсум келгани хабарини эшитишдан кўра катта хурсандчилик борми?!

Тўртинчи насиҳат: Рамазондан яхши фойдаланиш учун аввалдан



тайёргарлик кўринг.

Кўпчилик одамлар обдон ўрганиб, етарли таёргарлик кўргандан кейин дунё ишларига киришадилар. Лекин афсуски, охират ишларига камдан-кам одам таёргарлик кўради. Бу мўмин кишининг бу дунёдаги вазифасини яхши идрок қилмаслик, нафсини тарбия қилиш йўлида Аллоҳ билан боғланиш учун муҳим бўлган мавсумларни эсдан чиқариш ёки аҳамият бермаслик самарасидир.

Рамазон ойининг кеча ва кундузларини тоат-ибодатда ўтказиш мақсадида ҳар бир мусулмон ўзи учун амалий дастур таёрлаши зарур. Қўлингиздаги ушбу рисола Рамазон ойини тоат ибодатда ўтказишга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Бешинчи насиҳат: Рамазон ойдан унумли фойдаланинг, ҳар бир сониясини солиҳ амаллар билан ўтказишга қасд қилинг.

Ким Аллоҳга сидқидилдан юзланса, Аллоҳ уни кўзлаган мақсадига етказди, тоат-ибодатга муваффақ айлайди ва яхшилиқ йўлларини енгил қилиб қўяди. Аллоҳ таоло айтади: «**Агар улар Аллоҳга (иймон келтиришда) содиқ-ростгўй бўлганларида, албатта ўзлари учун яхшироқ бўлур эди**». (Муҳаммад сураси, 21-оят).

Олтинчи насиҳат: Рамазонга тааллуқли ҳукмларни ўрганинг.

Мўмин банда Аллоҳга илм билан онгли равишда ибодат қилмоғи керак. Аллоҳ фарз қилган нарсаларда “билмабман” деган узр қабул бўлмайди. Рамазон рўзаси ҳам шундай фарзлардан бўлиб, ҳар бир мусулмон унинг ҳукмларини Рамазон ойи киришидан аввал ўрганиб чиқмоғи лозим. Шундагина у Аллоҳ даргоҳида қабул бўладиган



Ислом Нури

суратда рўза тутишга муваффақ бўлади. Аллоҳ таоло айтади: «**Бас, агар ўзларингиз билмайдиган бўлсангизлар, аҳли илмлардан сўранглар**» (Анбиё сураси, 7-оят).

Еттинчи насиҳат: Гуноҳ ва ёмон ишларни тарк қилинг. Барча гуноҳлардан сидқидилдан тавба қилиб, уларни ташлаб, уларга қайтмасликка азм қилинг.

Рамазон тавба ойдир, киши шу ойда тавба қилмаса қачон тавба қилади, ахир?! Аллоҳ таоло айтади: «**Барчаларингиз Аллоҳга тавба қилинглар, эй мўминлар! Шоядки шунда нажот топсангизлар**» (Нур сураси, 31-оят).

Саккизинчи насиҳат: Руҳий таёргарлик кўринг.

Рамазон фазилати ва аҳкомлари баён этилган китоб ва мақолаларни ўқиш ҳамда шу мавзудаги дарсларни тинглаш билан киши ўзини бу муборак ойна кутиб олишга руҳий таёрлаши керак. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Шаъбон ойининг охириги кунларида асҳобларини Рамазонни ғанимат билишга чақириб: «*Сизларга Рамазон ойи келди...*» дер эдилар. (Ҳадис тўлалигича юқорида ўтди.)

Тўққизинчи насиҳат: Бу муборак ойда Аллоҳ йўлига даъват қилишга таёрланинг. У қуйидаги суратларда бўлиши мумкин:

- Масжидда намозхонларга Рамазон ҳақида қисқа мавъизалар айтиш.
- Хонадонда 5-10 дақиқали дарс уюштириш. Бу дарсда рўза аҳкомларидан ўқиб бериш. Бунинг учун муносиб вақтни ҳар ким имкониятига қараб тайинлайди.



- Рамазон ҳақидаги китоб ва дарслар тарқатиш.
- Рамазон совғасини таёрлаш. Бунда Рамазон ҳақидаги китобча, кассета ва бошқалардан иборат ихчамгина совға таёрлаш мумкин. Совғани ҳалтачага солиш ёки бошқа чиройли усулда ўраш мумкин.
- Камбағал ва муҳтож кишилар ҳақида одамларга эслатиш, қўлдан келганча уларга садақа қилиш, закотни шундай кишилар қўлларига тутқазишга тарғиб қилиш.

Ўнинчи насиҳат: Рамазонни янги нурли саҳифа билан бошлаймиз. Бу қуйидагилар билан бўлади:

- Аллоҳга содиқ тавба қиламиз;
- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрган нарсаларни қилиш, қайтарган нарсаларидан тийилиш билан у зотга эргашамиз;
- Ота-она, қариндошлар, хотин ва фарзандларимизга яхшилик қиламиз, қариндошлик алоқаларини мустаҳкамлаймиз;
- Жамиятимиздаги энг солиҳ кишилардан бўлишга ва бошқаларга фойдамиз тегишига ҳаракат қиламиз. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Одамларнинг яхшироғи уларга кўп нафи тегадиганидир»*, деганлар.

Мусулмон киши Рамазонни қақраган ер ёмғирни, киши узоқ муштоқ бўлган азизи инсонини кутиб олгандай қаршилайди.

Эй Аллоҳим, Бизни Рамазонга етказгин ва унда қиладиган ибодатларимизни биздан қабул айлагин!



Ислом Нури

Рамазонни кутиб олиш учун 10 насихат | 7

Манба: www.islomnuri.com